

## Лойиха-смета ҳужжатларини бажариш Суб пудрат шартномаси

2022-й «27»

10

2022

Бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ва Низоми асосида фаолият кўрсатадиган Балиқчи Халқ таълими, унинг номидан жамият директори Н.Хақимова бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва Низоми асосида фаолият кўрсатадиган «TECHNOPROEKT» МЧЖ, унинг раҳбари З. Матазимов иккинчи томондан: Андижон вилояти Балиқчи тумани Ботир МФЙда жойлашган 37-мактаб биносини таъмирлаш учун смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиб бериш буйича пудрат шартномасини туздилар.

### 1. Шартноманинг мазмуни

Буюртмачи топширади, Пудратчи ўзига қуйидаги ишларни Андижон вилояти Балиқчи тумани Ботир МФЙда жойлашган 37-мактаб биносини таъмирлаш учун смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиб бериш мажбуриятини бажаришга киришади.

1.2. Пудратчи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар қурилишига лойиха – смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК1.03 01-03 қоида ва қўлланмалари ва маскур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради, экспертиза харажатларини тўлайди ва тугаллайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошқа талаблар ишларни бажариш учун техник топшириқларда бўлади ва маскур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.4. Ишларнинг алоҳида босқичларининг рўйхати ва бажариладиган муддати календар режа асосида аниқланади ва маскур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.5. Пудратчи буюртмачи томонидан ёзма руҳсатини қутмасдан қўшимчаички хўжалик шартномасини (Пудратчи томонидан бажарилмайдиган, лекин маскур шартномани бажаришда керак бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча шартномаларни тузиш Пудратчининг зиммасига юклатилган маскур шартноманинг шартларини бажариш жавобгарлигидан озод этмайди.

1.6. Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари

#### 2.1. Пудратчининг мажбуриятлари

Пудратчи буюртмачи томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида ишларни бажариши лозим;

Буюртмачи билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишади;

Маскур шартнома буйича бажариладиган ишлар ҳақида буюртмачига ахборат жўнатади.

2.2. Пудратчи мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатсиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

### 2.3. Буюртмачининг мажбурияти:

Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда белгиланган нархни тўлаши керак.

- Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда иш ҳажмларини бажаришда таъсир кўрсатиш;

- Пудратчи билан бажарилган ишлар (боскичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

- Пудратчи томонидан бажарилаётганишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини кузатиб бориш;

## 3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1. Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати **11 200 000 (ун бир миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.**

3.2. Буюртмачи Пудратчининг ҳисоб рақамига мазкур шартномада кўрсатилган суммани олдиндан аванс **30 % яъни 3 360 000 (уч миллион уч юз олти миш минг) сўмни лойиҳа смета ҳужжатларини ҳисоб-фактура орқали қабул қилган кундан кейин 70% яъни 7 840 000 (етти миллион саккиз юз қирк минг) сўмни** Пудратчининг ҳисоб рақамига пул утқазиниш йули билан амалга оширади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган смета ҳужжатлари нархи ва муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Пудратчи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига топшириш – қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 2 та нусхада ҳужжатлар тупламани тақдим этади.

4.2. Буюртмачи топшириш – қабул қилиш далолатномасини ва лойиҳа-смета ҳужжатларини 30 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш – қабул қилиш далолатномасини жўнатади. Топшириш – қабул қилиш далолатномаси буюртмачи томонидан имзоланмаса, бажарилган ишларни, хизматларни қабул қилишда асосли эътироз билдирилмаган ҳолларда пудратчи юқорида кўрсатилган муддатда банкка бир томонлама бажарган ишлари эвазига ҳақ тўлаш учун талаб қўйишга ҳақли.

4.3. Бажарилган ишларни топшириш – қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир – бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юқланади.

4.5. Ўзаро ҳисоб – китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачи ўз вақтида олдин тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган холларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2. Буюртмачи шартномавий молиялаштириш лозим даражада бажармай уз вақтида туловни амалга оширмаганлиги учун тулов кечиктирилган ҳар бир кунга 0,4% миқдорда, аммо кечиктирилган сумманинг 50% ортик бўлмаган миқдорда пеня тулайди.

5.3. Пудратчи шартномада курсатилган мажбуриятини уз вақтида, сифатли бажармаса, буюртмачига бажарилмаган иш ҳажмининг 0,4 % ҳисобида, аммо 50% ортик бўлмаган миқдорда пеня тулайди.

5.4. Бажарилган ишлар (боскичлар) да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда пудратчи уларни бегараз бартараф этиши керак.

5.5. Агар содир бўлишига томонларнинг ҳеч бири жавоб бермайдиган (форс – мажор) холлар юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меъёрларига суянадилар.

5.6. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик қоралари қўлланилади.

5.7. Агар пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тулайди. Пудратчи ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган қуч ҳолати (форс - мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этилиб бўлмайдиган бошқа қучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф этилиб бўлмайдиган қуч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи лойиха ишларини давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3. Буюртмачи тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги Пудратчи учун «форс – мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Буюртмачи 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Пудратчи эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3. Томонлар узларининг юридик ва банк реквизитлари узгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чеккандан кейин ва ҳудудий газначилиқдан руйхатдан утгандан сунг қучга қиради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугашига қарамай, томонлар шартларни бузганликлари жавобгарлигидан озод этмайди.

8.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.4. Шартнома амал қилиш муддати -31.12.2022 йил.

## 9. Баҳсларни ҳал этиш тартиби

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган баҳслар қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## 10. Томонларнинг реквизитлари

Пудратчи: Буюртмачи:

«Буюртмачи»

«ТЕХНОПРОЕКТ» МЧЖ  
Андижон шаҳар, А. Фитрат, 230  
ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ  
Нодирабегим филиали  
х/р: 20208000605105400001

МФО: 00079 ИНН: 306596100  
Тел.: (91) 499-23-23; (90) 624-75-28

Пудратчи: Буюртмачи:

Раҳбар: З. М. Газимов

М.У.

Баликчи ХТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)  
Адрес: Баликчигумани  
Шоҳ куча № 1 уй  
Тел./факс

ш/х\* 401722860032067092100075030

ИНН 206933474

ОКОНХ 92310

Баликчи тумани буйича Ғазначилик  
бўлинмаси

Ғазна х/р: 23402000300100001010

СТИР: 201122919 МФО: 00014

Марказий банк Тошкент ш. Б.6 ХККМ

Раҳбар Н. Хақимова



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY  
XULOSA**

OP2040818538

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi "Tehnoproekt"**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Balikchi tumani xalq ta'limi tomonidan 24.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Baliqchi tumani  
yuridik markazi  
markaz rahbari:



**J.D.NAZAROV**

26.10.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 162502 на приобретение 37-МАКТАБ БИНОСИНИ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ХАМДА ЭКСПЕРТИЗАДАН ЧИКАРИБ БЕРИШЛИК (ОБ)**

Способ проведения электронный

Дата 21.10.2022

Время рассмотрения 20.10.2022 09:11

Закупочная комиссия Баликчи т ХТБ марказлаш бухг мактаб, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XAKIMOVA NAZOKATXON MAXSUDOYNA	Рахбар	Баликчи ХТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	MUXAMMADJONOV XAYOTBEK XOSHMJON O'G'LI	Молия ходими	Баликчи морлия
<b>Член комиссии</b>	QAYUMOVA BUSOLIXA G'AFURJONOVNA	Хужалик мудири	37-мактаб
<b>Член комиссии</b>	KARIMOVA DILAFRUZXON ANYARJONOVNA	Директор	37-мактаб
<b>Член комиссии</b>	TESHABOYEV MUXAMMADOODIR OTABEK O'G'LI	muhandis yordamchisi	ХТБ
<b>Член комиссии</b>	QIPCHAKOVA MARG'UBAXON EGAMBERDIYEVNA	Мухандис	ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.10.2022 года № лота 162502.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 1

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга, связанная с разработкой проектной документации</b>
Подробное описание	37-МАКТАБ БИНОСИНИ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ХАМДА ЭКСПЕРТИЗАДАН ЧИКАРИБ БЕРИШЛИК (ОБ)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	11 676 000.00
Стартовая сумма	11 676 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 4.Обучение ремонту на месте

Тип: Текстовое значение

Описание: справка и фото

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	5	Объект жойидан эски куриниш фото суръатлар	4	Экспертная		
YAGONA DAVR QURILISH MCHJ	5	10308000	5	Экспертная		

Критерий №2 2.Сопоставимый документ об отсутствии налоговой задолженности

Тип: Текстовое значение

Описание: сравнительный акт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	5	Актсверка ДСИ органидан	5	Экспертная		
YAGONA DAVR QURILISH MCHJ	5	10308000	1	Экспертная		

Критерий №3 1.Гарантийное письмо от проявления коррупции на русском или узбекском языке

Тип: Текстовое значение

Описание: Гарантийное письмо

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	5	Гарантийное письмо	5	Экспертная		
YAGONA DAVR QURILISH MCHJ	5	10308000	5	Экспертная		

Критерий №4 3.Право на заключение юридического договора

Тип: Текстовое значение

Описание: Сертификат, устав, качество 200 ДПИ

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	5	гувохнома низом, рахбар паспорти	5	Экспертная		
YAGONA DAVR QURILISH MCHJ	5	10308000	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование	Стартовая	Предлагаемая	Сумма с	Применение	Общее	Дата	Оценка
--------------	-----------	--------------	---------	------------	-------	------	--------

участника	сумма	сумма	учетом конвертации (UZS)	преференции	значение (UZS)	предложения	стоимости (балл)
ООО TEXNOPROEKT	11 676 000.00	11 200 000.00 UZS	11 200 000.00	00.00	11 200 000.00	13.10.2022 21:34:15	9.20357
YAGONA DAVR QURILISH MCHJ	11 676 000.00	10 308 000.00 UZS	10 308 000.00	00.00	10 308 000.00	18.10.2022 18:23:17	10

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО TEXNOPROEKT	85.5	9.20357	94.70357
YAGONA DAVR QURILISH MCHJ	72	10	82

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 162502 от 21.10.2022 года на приобретение 37-МАКТАБ БИНОСИНИ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ХАМДА ЭКСПЕРТИЗАДАН ЧИКАРИБ БЕРИШЛИК (ОБ) определила победителем:

ООО TEXNOPROEKT  
306596100

и резервный исполнитель: YAGONA DAVR QURILISH MCHJ (303375765)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ХАКИМОВА НАЗОКАТХОН МАХСУДОВНА	Согласен	
Член комиссии	ҚАЙУМОВА БУСОЛИХА ҒАФУРҶОНОВНА	Согласен	
Член комиссии	КАРИМОВА ДИЛАФРУЗХОН АНВАРҶОНОВНА	Согласен	
Член комиссии	ТЕШАБОВЕВ МУХАММАДҚОДИР ОТАБЕК О'Ғ'ЛИ	Согласен	
Член комиссии	ҚИРЧАКОВА МАРҒ'УБАХОН ЕГАМБЕРДИЕВНА	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП





## XALQ DEPUTATLARI BALIQCHI TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 24 - sentabr

VI-32-54-1-18-K/22

Baliqchi tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали фуқаролар томонидан 2-мавсумда билдирилган таклифларга овоз бериш бўйича ғалиб деб топилган тадбирлар учун маблағ ажратиш тўғрисида**

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши устидан депутатлар назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги

КҚ-213-IV-сонли қарорига ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 20 сентябрь куни КҚ-406-IV-сонли “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарорларига кўра Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши;

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жорий йил 15 июлдан 8 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [openbudget.uz](http://openbudget.uz) расмий веб сайти орқали фуқаролар томонидан 2-мавсумда турли маъзундаги жами 202 та таклифлар билдирилганлиги, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори билан

тасдиқланган ишчи комиссия томонидан таклифларнинг белгиланган мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганган ҳолда ишчи комиссия таклифлар бўйича ҳар бир тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағнинг дастлабки миқдори аниқланиб 202 та таклифлар кўриб чиқилди. Белгиланган мезонлар асосида танлаб олиш (модерация) жараёнидан уларнинг 165 таси қабул қилинди. Қабул қилинган таклифлар овоз бериш жараёнига ўтказилди. 37 та таклиф эса рад этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” ([openbudget.uz](http://openbudget.uz)) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга жорий йилнинг 24 август кунидан 17 сентябрь кунига қадар овоз бериш жараёнлари ўтказилди. Овоз бериш жараёнида 6 та таклиф энг кўп овоз йиғиб ажратилган маблағ доирасида голиб деб топилганлиги бўйича туман молия бўлими мудир вазифасини вақтинча бажарувчи Х.Мухаммаджоновнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” ([openbudget.uz](http://openbudget.uz)) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга жорий йилнинг 24 август кунидан 17 сентябрь кунига қадар овоз бериш жараёнлари ўтказилганлиги ва ушбу жараёнда 6 та таклифлар:

- Шеробод МФЙ Ғ.Ғуллом кўчасини асфальтлаш 4218 та овоз билан;
- 15-сонли мактаб ҳудудига спорт зал қуриш 3505 та овоз билан;
- Чинобод КТМП биносини таъмирлаш 2564 та овоз билан;
- 43-сонли мактаб биносини таъмирлаш ва жихозлаш 1652 та овоз билан;
- 37-сонли мактаб биносини таъмирлаш ва жихозлаш 1509 та овоз билан;
- Яккат-тол МФЙдаги “Ойчилик” дам олиш масканини таъмирлаш 1278 та энг кўп овоз йиғиб ажратилган маблағлар, яъни 6 млрд 147 млн. сўм маблағ доирасида голиб деб топилганлиги тасдиқлансин;

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” ([openbudget.uz](http://openbudget.uz)) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга кўра голиб деб топилган йўналишларга туман молия бўлими мудир в.в.б Х.Мухаммаджоновнинг жавобгарлиги остида 1-иловга мувофиқ жами 6 млрд. 147 млн. сўм маблағлар

ажратилишини таъминласин;

4. Моддий қийматликлар (хизматлар)ни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар 2 ва 3 иловаларга мувофиқ амалга оширилсин.

5. Туман молия бўлими (Х.Мухаммаджонов) ҳамда туман фазначилик бўлинмаси (Л.Солиев)га “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1-иловага мувофиқ маблағларни тегишли тартибда ажратилишини ҳамда ўрнатилган тартиблар асосида молиялаштирилишини ҳамда “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларни тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан мақсадли сарфланишини назоратини таъминласинлар.

6. Ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши учун “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида иш ташкил этилсин ва 4-иловага мувофиқ харид комиссияси тасдиқлансин.

7. Харид комиссияси ва туман молия бўлими (Х.Мухаммаджонов)га хар чорак якуни бўйича халқ депутатлари туман Кенгашига маблағларни ажратилиши, сарфланиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Балиқчи туман ҳокимлиги матбуот хизмати (М.Каримов), туман “Ғалаба газетаси (Ш.Каримова) жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросининг таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (С.Рахимов), туман ҳокимнинг ўринбосари (М.Маматов)лар зиммаларига юклатилсин.

10. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.



Xalq deputatlari Baliqchi tuman  
Kengashining  
2022 yil 24 sentabrdagi  
VI-32-54-1-18-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**"Очиқ бюджет" ахборот портали орқали Baliqchi туманида 2022 йил  
2-мавсум сентябрь ойида ғалиб деб топилган тадбирларни  
молиялаштириш бўйича**

**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

№	ИД	Балансда сакловчи	Лойиҳанинг қисқача номи (Ғалиблар тўғрисида маълумотлар)	Ажратилган маблағ (млн, сўм)	Буюртмачи
1	0300600041	Туман ободонлаштириш бошқармаси	Балиқчи туман Шеробод МФЙ Ғ, Фулом кучасини асфалтлаш керак	1 200,0	Туман ободонлаштириш бошқармаси
2	0300600130	Халқ таълими	Балиқчи тумани 15-мактаб ҳудудида спорт зал мавжуд эмас қиш кунлари ўқувчилар дарс машғулотлари ва спорт тўғралаклариди кийинчилик бор	1 200,0	Халқ таълими
3	0300600042	Тиббиёт бирлашмаси	Балиқчи тумани Ифтихор МФЙ ойдин кўчасида жойлашган Чинобод куп тармокли марказий поликлиникасини тамирлаб бера аҳоли буздан жуда жуда хурсанд булар еди	850,0	Тиббиёт бирлашмаси
4	0300600115	Халқ таълими	ХТБ қарши 43-мактабнинг ташқи кўриниши тамирлаш, иситиш тизимини тамирлаш, 1-қаватни кафел қилиш ва синф жиҳозлари учун	1 200,0	Халқ таълими
5	0300600024	Халқ таълими	Балиқчи тумани 37-умумий ўрта таълим мактабида хоналарни эшик деразаларини ва 6 та синф хонани полини янгилаш, Қўшимча жиҳозлар билан тамирлаш учун; синф хоналарга кузатув камераси 6 та синф хоналарига парта стуллар ва ўқитувчи стол-стули, 4 та интерактив доска, 4 та проектор, ўқитувчилар хонаси усун 1 та айлана стол, 4 та китоб жавони, 20 та стул	797,0	Халқ таълими
6	0300600108	Туман маданият бўлими	Якка-тол МФЙдаги ойчулик дам олиш масканини ремонт қилиш ва обод қилиш	900,0	Туман маданият бўлими
х			Жами	6147,0	х

Xalq deputatlari Baliqchi tuman  
Kengashining  
2022 yil 24 sentabrdagi  
VI-32-54-1-18-K/22-son qaroriga  
4-ilova

“Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида харид комиссиясининг аъзолари тўғрисидаги

## РЎЙХАТИ

№	Лавозими	Ф.И.Ш	ГИП	Ташкилот номи
1	Туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари	Маматов Музаффар	Ишчи гуруҳ раҳбари	Туман ҳокимлиги
2	Туман молия бўлими бошлиғи в.в.б	Мухаммаджонов Хаётбек	Ишчи гуруҳ котиби	Молия бўлими
3	Халқ таълими мудир	Хакимова Назокатхон	Ишчи гуруҳ аъзоси	Халқ таълими
4	Соғлиқни сақлаш бўлими мудир	Эргашева Мухтасар	Ишчи гуруҳ аъзоси	Тибиёт бирлашмаси
5	Туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбари	Ботиров Улуғбек	Ишчи гуруҳ аъзоси	Туман ободонлаштириш бошқармаси
6	Туман маданият бўлими раҳбари	Режаббоев Тохиржон	Ишчи гуруҳ аъзоси	Туман маданият бўлими
7	Ижтимоий соҳалардаги маъсул шахслар	Ташкилотдан камида 3 тадан бириктирилган маъсуллар	Ишчи гуруҳ аъзоси	Ижтимоий соҳалар
х	Жами	х	х	х